O‘zbekiston Respublikasi
Moliya vazirligi

# Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

## Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти департаменти

## Департамент методологии бухгалтерского учета и аудита

## Department of methodology of accounting and auditing



Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органидир ва шу соҳада давлат сиёсатини амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти департаменти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

# Департамент ташкилий тузилмасига қуйидагилар киради:

Бухгалтерия ҳисоби услубиётини такомиллаштириш бўлими

Аудит услубиёти ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўлими

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими

# Департаментнинг асосий вазифалари:

Тадбиркорлик субъектларда бухгалтерия ҳисобининг ягона услубиётини шакллантириш, тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилишини, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МҲХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш.

# Бухгалтерия ҳисоби услубиётини такомиллаштириш бўлимининг асосий функциялари

- тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини бухгалтерия ҳисобининг принциплари ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади;
- бухгалтерия ҳисоби масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларга услубий ёрдам кўрсатади, шунингдек маслаҳатлар беради, расмий хулосаларни тайёрлайди;
- бухгалтерлар ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари, ҳамда халқаро ташкилотлар билан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади;
- манфаатдор шахсларга бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш бўйича бухгалтерия ҳисоби масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ўтказишда иштирок этади;
- бухгалтерия ҳисоби услубиёти масалалари бўйича МДҲ Ижроия қўмитаси ҳузуридаги бухгалтерия ҳисоби бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишида белгиланган тартибда иштирок этади.

# Аудит услубиёти ва аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш бўлимининг асосий функциялари

- аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- аудит масалалари бўйича услубий ёрдам кўрсатади, шунингдек маслаҳатлар беради, расмий хулосаларни тайёрлайди;
- аудиторлар реестрининг, аудиторлик ташкилотлари реестрининг юритилишини ва Молия вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлайди;
- аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинишини таъминлайди;
- аудит соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш ва аудит масалаларига бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини ўтказишда иштирок этади;
- аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан ўзаро электрон алоқаларни ўрнатишга мўлжалланган дастурий мажмуасини такомиллаштириш ишларини ташкил этади. (audit.mf.uz)



# Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлимининг асосий функциялари

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш бўйича амалий тавсиялар ва услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқади;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилишини, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ўз вақтида эълон қилинишини ваколатли органлар билан бирга мониторинг қилади;
- ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этишда кўмаклашади;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини, ҳамда уларга киритиладиган ўзгартиришларни доимий равишда давлат тилига таржима қилинишини ташкил қилади;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрланган ва эълон қилинган молиявий ҳисоботлар сифатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи назоратдан ўтказади.

# Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятига доир 2020-2021 йилларда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон **“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори**

**Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-677-сон Қонунини қабул қилинган**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон **“Аудиторларни сертификатлаштир иш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон **“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** асосида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги Қарори билан “**Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисида**”ги **ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ** тасдиқланди;

Молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди билан 2020 йил 11 ноябрда 2045-UZ-MOF-Translation for Adoption Purposes-2020-сон битим имзоланди;**

Молия вазирлиги Ўзбекистон аудиторлар палатаси билан биргаликда 2020 йил 30 июлда **Сертификатланган дипломли бухгалтерлар ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants, ACCA, Буюк Британия**) билан **Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва касбий сертификатлашнинг замонавий тизимини жорий этиш** юзасидан **ўзаро англашув меморандуми имзоланди**.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон **«Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»** қарори билан

**Молия вазирлигининг қуйидаги функциялари:**

1) аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказиш;
2) аудиторнинг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва унинг амал қилишини тугатиш;
3) аудиторларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш.

**Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари**

**Ўзбекистон Аудиторлар палатаси**

**Ўзбекистон БАМА**

# 2022 йилда амалга ошириладиган асосий ислоҳотлар йўналишлари

## Бухгалтерия ҳисоби соҳасида:

1. БҲМСларни Кичик бизнес ва ўрта тадбиркорлар учун МҲХСга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштириш;

2. МҲХСга мувофиқлаштирилган “Счётлар режаси” ва Молиявий ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш;

3. Молиявий ҳисоботларни топшириш ва эълон қилиш тартибини ишлаб чиқиш, Молиявий ҳисоботларнинг сифат назорати ташкил этиш;

4. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кенгаш ишида иштирок этиш.

## Аудиторлик фаолияти соҳасида:

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонунга ўзгартишлар лойиҳасини тайёрлаш;

2. Аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳамда АХСни давлат тилига таржима қилинишини ташкил қилиш;

3. Аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Халқаро бухгалтерлар федерацияси билан битим тузиш;

4. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назоратини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш;

5. Аудиторлик ташкилотлари реестрини ҳамда Аудиторлар реестрини юритиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини **Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган Аудитнинг Халқаро Стандартлари асосида амалга ошириш**.

**2022 йил давомида** Молия вазирлигининг ташаббуси билан Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассосацияси, Ўзбекистон аудиторлар палатаси ҳамда “НОРМА профессионал ривожланиш маркази” нодавлат таълим маркази билан ҳамкорликда Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC)нинг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган жами 48 та **АХС бўйича** ўзбек ва рус тилларида **бепул вебинарлар** ташкил этилмоқда.

# Малакали кадрларни тайёрлаш

## 1. ОНЛАЙН ЎҚУВ ПЛАТФОРМАЛАРИ ЯРАТИЛДИ

МҲХС асослари курси бўйича 15000 дан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтган

МҲХС бўйича Молиявий ҳисобот курси бўйича хозирда 1300 дан ортиқ тингловчи фойдаланмоқда

АХС курси бўйича платформа яратилиши режалаштирилган.

## 2. МҲХС БЎЙИЧА ЎҚИТИШ ВА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТЛАР БЎЙИЧА ИМТИХОН ХАРАЖАТЛАРИ ҚОПЛАБ БЕРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ.



2025 йилга қадар:

**-МҲХС ўқитиш**

**- Халқаро имтихон**

**Педагог кадрлар**

**Давлат хизматчилари**

**Талабалар**

ACCA
CIMA
ACA

# Молиявий ҳисоботларни сифатини назорат қилиш

## Амалдаги механизм

**Тадбиркорлик субъекти** → **Солиқ органи (my.soliq.uz)**

**Молиявий ҳисоботлар тўғри тузилганлиги текширилмайди**

## МҲХС бўйича тузиладиган МХ (2023-йилдан бошлаб)

**Тадбиркорлик субъекти** → **Солиқ органи (my.soliq.uz)** → **МХларнинг ягона ахборот базаси**

**Солиқ органи** МХларда базавий кўрсаткичлар ёритиб берилгани ва мантиқий хатолик йўқлигини текширади.

**Молия вазирлиги риск тахлил асосида танлама текширади**

МХ фойдаланувчилари учун очиқ портал ҳисобланади. Тўлиқ шаклда изохлар билан.